Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 3 июнь, жума № 96 (21.700). Сотувда эркин нархда

• *Сўнгги почтадан*

«Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритмоқда»

Ўтган ойда мексикалик йирик ношир ва муҳаррир, Мексика нашриётлари ташкилотининг президенти ва бош директори Марио Васкес Ранья Ўзбекистонда бўлган эди. У мамлакатимиз ҳаёти билан таниш-ган, юртбошимиз Ислом Каримов билан учрашиб, суҳбатлашган эди.

Яқинда Тошкентга Мехикодан қуйидаги мазмунда мактуб келди:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари! Сизга мусоҳабамиз босилган газеталарни юбормоқдаман.

Сиз билан суҳбатлашиш имконидан баҳраманд бўлганим учун жуда мамнунман. Мусоҳаба матнидан сиз ҳам қаноат ҳосил қиласиз деган умиддаман».

Мактубга аъло сифатли қилиб босилган «Глаксканала қуёши», «Гентро қуёши», «Бахио қуёши» сингари олтита Мексика газетаси илова қилинган эди.

Қуйида шу нашрларда босилган мусоҳабадан парчалар келтирамиз:

El Sol de Puebla

Fundado el 5 de Mayo de 1944

Uzbekistán Regresa del Autoexilio: Karimov

INDICE

XI Binacional

Inicia en Tlatelolco la Reunión México-E.U.

Por Mario VAZQUEZ RAÑA

(Enviado de Sol Puebla)

— Жаноб Президент, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг муаллифи сифатида мустақил давлат тараққиёти андозасининг моҳиятини очиб бергансиз.

— Дунёда одамлар бир-бирига ўхшамаганидек, мамлакатлар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу нуқтаи назардан қаралса, биз Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан сўнг мустақиллигимизни ўзимиз зарур деб ҳисоблаган шаклда қурамиз.

Жаҳондаги ҳар бир давлат тараққиёт ва мустақиллик борасида ўз йўлига эга. Биз учун бир-бири билан боғлиқ икки омил бор. Биринчи омил: жаҳон тажрибаси, мураккаб вазиятларни бошидан кечирган давлатлар тажрибаси, табиий ресурслари, тарихи ва маданияти жиҳатидан бизга ўхшаш давлатлар тажрибаси. Биз бу тажрибаларни ҳисобга олишимиз керак. Иккинчи омил эса — ўзимизнинг тарихимиз, минг йиллар давомида шаклланган ҳаётий анъаналаримиз, халқимизнинг тафаккуридир. Мана шу икки омил мамлакатимизнинг қиёфасини белгилайди ҳамда мустақиллигимиз йўлини аниқлаб беради.

Учинчи омил ҳам бор. Биз тоталитаризм ва маъмурий-буйруқбозлик тизимида яшаган 75 йил ичида ҳам маълум тажриба тўпланган, инсоний тафаккур ўзгарган. Одамлар давлат барча нарса учун жавоб беради, барчани модий ва маънавий жиҳатдан таъминлайди, бинобарин барчани ҳимоя қилишга мажбур, деб ўйлашга ўрганган эди. Бу омилдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Биз буларнинг барчасини ўз тараққиётимиз, равнақимиз йўли деб биламиз.

— Ҳозир одамлар ҳукуматга ана шундай эски тушунча билан қарамаслиги, текинхўрлик кайфиятларидан қутилиши учун уларни янгича фикрлашга қандай ўргатаяпсизлар?

— Биз бозор тизимини барпо этишнинг беш қоидасини ишлаб чиққанмиз. Уларнинг бири — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигидир. Иккинчиси — давлат ислоҳотларни бошқариб туриши, янгиланишнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим. Учинчи қоида президентдан тортиб оддий фуқарогача барча қонун олдида тенг эканини таъкидлайди. Тўртинчи қоида болалар, кексалар, камхарж оилалар, хуллас, давлат ҳимоясига муҳтож барча кишини муҳофаза қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат бўлиши лозимлигини тақозо этади. Ва ниҳоят, бешинчи қоида янгиланишни босқичма-босқич ўтказишни тақозо қиладики, бу сизнинг саволингизга жавоб ҳам бўлади. Биз «фалаж қилиб даволаш» йўлидан бормаймиз, Польша ёки Россия андозасидан нусха кўчирмаймиз. Чунки, мамлакатимиз аҳолисининг ярми болалар ва 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларга давлат ҳомийлик қилмаса бўлмайди. Бу қоидаларнинг изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилиши бизга бозор иқтисодиётига нисбатан осонроқ ўтиб олиш имконини беради, аҳоли уларни тўла-тўкис қўллаб-қувватласа, олдимизга қўйган мақсадларга эришишни таъминлайди.

— Жаноб Президент, сиз Самарқандда, Ўрта асрнинг машҳур олими ва давлат арбоби буюк Мирзо Улуғбек ватанида туғилгансиз. Ўзингизни унинг ишларининг давомчиси деб ҳисоблайсизми?

— Очиғини айтадиган бўлсам, Марио, мен Улуғбек ғоялари тарафдориман. У 1200 юлдузни кашф этган машҳур астроном олим эди. Улуғбек Коперник ва Галилейлар даражасида туради. Самарқандда унгг ноёб расадхонаси сақланиб қолган. Мен Самарқандда туғилганимдан фахрланаман ва халқимиз фахрланса арзийдиган аждодларимиз, тарихимиз, кўп асрлик анъаналаримиз борлигидан мағрурман.

Мен «Мексика тарихи»ни ўқиганман. Мексика халқининг миллий маънавияти, ўз ватани ва одамларидан фахрланиши мамлакатни оёққа турғизишга кўмаклашган. Мен ўзбек халқининг ҳам юксак маънавияти, миллий ғурурини қўллаб-қувватлашни ўзимнинг вазифам ва бурчим деб биламан, ғурури йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқ деб ҳисоблайман.

— Ўзбекистон аҳолиси, табиий бойликлари ва жуғрофий мавқеи жиҳатидан Ўрта Осиёда қандай ўрин тутади?

— Тошкент тарихий жиҳатдан Ўзбекистоннинг пойтахтигина эмас, Шарқнинг «дарвозаси» ҳамдир. Хитой билан Испанияни туташтирган Буюк Ипак йўли Тошкент орқали ўтади. Мамлакатимизнинг минтақада тутган сиёсий ўрнига ҳам шу нуқтаи назардан баҳо берса бўлади. Мамлакатимизнинг табиий бойликлари беҳисоб, илмий-заковат салоҳиятимиз жуда баланд. Аҳолимиз ёппасига саводхон, унинг катта қисми яхшигина касб-ҳунарга эга. Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган 35 миллион кишининг 22 миллиони Ўзбекистонда яшайди. Илгари айтганимдек, аҳолимизнинг ярми болалар ва 18 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Бу ҳам бизни жуда катта бойлигимиздир.

Биз пахта етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринни, олтин қазиб олиш бўйича бешинчи ўринни эгаллаймиз, металл ишлаб чиқарувчилар ва газ бойлигига эга мамлакатларнинг биринчи ўнлиги сафида турамиз. Ҳозир нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги уфқлар очилмоқда. Бизнинг иқлимимиз гўзал, заминимиз унумдор, унда ишлаётган кишиларимиз эса ўта меҳнатсевардир...

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг минтақадаги ҳозирги сиёсий мавқеи ҳам яхши, унинг келажаги ҳам порлоқ. Биз эртанги кунимизга ишонч билан қараймиз.

А. БАРАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

АХБОРОТ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам шу йил 4 июнь куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади.

Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЕН САМ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ

1927 йил 27 декабрда Кенам вилоятида туғилган.

1952 йил — Сеуль университети фалсафа факультетини тугатган

1954 йил — либерал партиядан Корея Республикаси парламенти аъзолигига сайланган

1960 йил — демократик партиядан Корея Республикаси парламенти аъзолигига сайланган

1963 йил — адолат демократик партиясидан Корея Республикаси парламенти аъзолигига сайланган

1965 йил — фуқаро бошқаруви партияси ҳамраиси

1967 йил — янги демократик партиядан Корея Республикаси парламенти аъзоси, партия ҳамраиси

1971 йил — янги демократик партиядан Корея Республикаси парламенти аъзоси

1973 йил — янги демократик партиядан Корея Республикаси парламенти аъзоси

1974 йил — янги демократик партия раиси

1976 йил — янги демократик партия маслаҳатчиси

1979 йил — Корея Республикаси парламенти аъзоси, янги демократик партия раиси

1984 йил — демократияни амалга ошириш партияси раиси

1986 йил — янги демократик партиянинг бош маслаҳатчиси

1987 йил — демократик партия раиси, демократик партиядан мамлакат Президентлигига номзод

1988 йил — Корея Республикаси парламенти аъзоси, демократик партия раиси



1990 йил — демократик либерал партия олий кенгаши аъзоси

1992 йил — Корея Республикаси парламенти аъзоси, демократик либерал партия раиси, демократик либерал партиядан Президентликка номзод

1992 йил декабрида Корея Республикаси Президенти этиб сайланган.

1993 йил 25 февралда президентлик лавозимини бажаришга киришган.

Бир неча рисола муаллифи.

Таусон (АҚШ) коллежининг фахрий филология фанлари доктори., уйланган, беш фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

• *КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ:*

ИСЛОҲОТ БОСҚИЧЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш бугунги кунда фақат собиқ социалистик мамлакатларнинг эмас, иқтисодиётни бошқариш ўта даражада марказлаштирилган ва бу ҳол иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилиб турган барча қолоқ давлатларнинг муаммосидир.

Ўзининг бозор иқтисодиётига бевосита иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўта бошлаган Корея Республикаси жаҳон ҳамжамиятига бозор иқтисодиёти ўзгаришлари, самарали ва изчил ислоҳотлари билан намуна кўрсатди.

Ислоҳотлар аста-секин ва изчиллик билан ўтказилиши қарамай, Корея ислоҳотида муаммолар тури ва уларнинг ҳал этилиш шаклларига қараб, тўртта асосий босқич кўзга яққол ташланади.

Биринчи босқич 1946 йилдан 1961 йилга қадар давом этди. Дастлабки даврда Америка тусидаги давлатчилик шакллантирилди. Корея Республикасида Америка ҳарбий кучларининг ушлаб турилиши бу вазифани анча енгиллаштирди. Иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари катта заминдорларни тугатишга, хусусий фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган аграр ислоҳотдан; арзон иш кучи ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига «арзон нарх» сиёсатига асосланган меҳнатни кўп талаб қилувчи тармоқларни устуворлик билан ривожлантиришдан иборат эди. Шу туфайли саноат соҳасида ресурсларни қайта тақсимлаш таъминланди. Бу эса, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини анча паст даражада ушлаб туриш имконини берди.

Бироқ, биринчи босқичда муҳим ижобий силжиш бўлмади. Мамлакат яхши ривожланмаган ва қашшоқ ҳолича қолаверди. Бу босқичнинг охирида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот 89 долларни ташкил этди, қишлоқ хўжалити соҳасида ялпи маҳсулотнинг 38,7 фоизи ишлаб чиқарилди, импорт (200 миллион доллар) экспортдан (50 миллион доллар) анча кўп бўлди.

Ана шундай шароитда ислоҳотларнинг иккинчи босқичи (1962—1975 йиллар) бошланди. Бу босқич корейс иқтисодий мўъжизасининг отаси дея донги чиққан Президент Пак Чжон Хи номи билан боғлиқ. Бу босқичда корхоналар амалга оширилган ислоҳотнинг асосий йўналиши бўлди, ислоҳотлар умуман иқтисодиёт соҳасидаги чораларга ва эҳтиёжни қоплашга қаратилган иқтисодиётга эмас, балки маҳсулотни таклиф қиладиган иқтисодиётга қаратилди.

Бозор муносабатлари яхши ривожланмаган, умумий қолоқлик, тегишли ёрдамчи тармоқларнинг йўқлиги сабабли давлат энергетика, транспорт, коммуникация каби энг асосий тармоқларни ривожлантиришни ўз зиммасига олди. Шу билан бир вақтда хусусий бизнесга тўла эркинлик берилди, унинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳукумат фақат саноатнинг ўсишини, ресурслардан фойдаланишни назорат қилди.

Айни ўша пайтда экспорт имкониятларини кенгайтириш сиёсати ўтказила бошланди. Бу сиёсат илгари ўтказилган зарур молларни четдан келтириш сиёсати ўрнини эгаллади. Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида экспорт тармоқлари учун четдан келтириладиган хом-ашёдан олинадиган бож тўловлари, маҳсулотларни экспорт қилувчилар учун импорт чеклашлари камайтирилди, чет элга сотиладиган маҳсулотлар учун имтиёзли солиқлар белгиланди.

Иқтисодиётнинг «юраги» вазифасини ўз зиммасига олиши лозим бўлган «Чеболь» йирик компаниялари тўғрисида ҳукумат алоҳида ғамхўрлик қила бошлади, бу компаниялар ҳукумат иқтисодий стратегиясининг ўзагига айланди.

Айни шу сиёсат туфайли бу компаниялар ҳозирги пайтда бутун дунёга машҳур улкан саноат корхоналарига айланди.

Маҳсулотни экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат билан қисман боғлиқ ташкилот — Корея савдога кўмаклашиш корпорацияси тузилди. Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб этиш учун махсус экспорт зоналари ташкил этилди, бу зоналарда кўпгина чеклашлар олиб ташланди ва солиқ ставкалари камайтирилди.

Бироқ, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига қарамай, бу босқичда суғурта банк иши, қимматли қоғозлар бозори тизимлари ажнабийлар учун ёпиқлигича қолаверди. Шу сабабли хорижий сармоялар асосан қарз тусида бўлди, бу эса миллий буржуазиянинг тезда қаддини ростлаб олишига кўмаклашди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатнинг тез индустрлаштирилиши саноат билан деҳқончилик соҳасидаги мувозанатни саноат фойдасига кескин ўзгартириб юборди. Бу номутаносибликни бартараф этиш учун қўшимча тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар фермерларга молиявий мадад бериш, қишлоқдаги ёрдамчи тармоқларни, ирригацияни ривожлантиришга давлатнинг катта сармоя ажратиши ҳамда деҳқончиликка интенсив технологияларни жорий этишдан иборат эди. 70-йилларнинг бошидан озиқ-овқатнинг «юқори нархлари» сиёсати ўтказила бошланди.

Иккинчи босқичнинг охирига келиб, мустақил иқтисодиётнинг салмоқли негизи яратилди. Аҳоли даромади йилига 10 фоиз ошиб борди. Экспорт ҳажми эса, ҳар йили ўртача 40 фоиз кўпайди. Бироқ, ҳамон импорт миқдори экспортдан кўп эди. Бунинг устига, иккинчи босқичнинг охирида корейс маҳсулотларининг рақобатбардошлиги пасая бошлади, оғир саноатнинг асосий тармоқлари орқада қолиши кўзга ташланди, бу эса ислоҳотларни амалга оширишнинг навбатдаги босқичига ўтиш зарурати билан боғлиқ эди.

Туб ўзгартиш-ларнинг учинчи босқичи (1976—1981 йиллар) асосида иқтисодиётни экспортга йўналтиришни янада чуқурлаштираётган эди. Бу энг аввало экспортчилар учун узоқ муддатли кредитларни сезиларли даражада оширишда ўз ифодасин топди.

Ҳукумат машинасозлик, кимё саноати, ва энг муҳим ёрдамчи тармоқларни устун даражада ривожлантиришни эълон қилди.

Оғир саноатни ривожлантиришни етакчи ўринга кўйиш сиёсати йирик корхоналарнинг ўсиши ва ишлаб чиқаришни марказлаштиришга кўмаклашган бўлса-да, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши сусайишига олиб келди. 1980 йилда саноат ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта бизнеснинг ҳиссаси 20 фоиздан ошмади.

Натижада 1980 йилда ишлаб чиқариш 3,7 фоиз камайди, пулнинг қадрсизланиши 28,7 фоизни, тўлов баланси камомади 5,3 миллиард долларни ташкил этди. Бундай шароитда ҳукумат иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида иш ҳақини оширишни чегаралаб қўйди, нарх-наво устидан назорат кучайтирилди, миллий валюта—воннинг қиймати пасайтирилди.

1982 йилдан бошлаб ислоҳотларнинг янги босқичи — иқтисодиётни эркин қўйиш, унинг очиқлигини таъминлашга ўтилди.

Биринчи навбатда соф бозор омилларини кучайтиришга зўр берилди: имтиёзли кредит бериш бекор қилинди, давлат фақат узоқ муддатли кредитларнинг кафиллигини олди; валюта бозоридаги чеклашлар олиб ташланди, 1991 йилдан бошлаб вон эркин муомалада юрадиган бўлди; гарчи озиқ-овқат маҳсулотлари, зеб-зийнат буюмларига нисбатан маълум даражада ҳомийлик сақланиб қолган бўлса-да, ички бозор импорт учун очиб қўйилди; маблағ бозори фаоллашди, хорижликлар учун молия сектори очиб берилди ва уни хусусийлаштириш бошланди; кичик ва ўрта бизнесни бу соҳага 35 фоиз кредит ресурслари ажратиш, кадрлар тайёрлашга давлатдан маблағ ажратиш, ташқи бозорга чиқишга кўмаклашиш йўли билан қўллаб-қувватлаш кучайтирилди; ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 50 фоизини Жанубий Кореядан ташқарида сотиш шарти билан 50 фоизга қадар хорижий маблағ билан фирмалар очишга рухсат берилди.

Иқтисодиётга эркин тус бериш билан бирга давлат ҳаражатлари ва иш ҳақини, умуман пул эмиссиясини чеклаш чоралари, яъни пул қадрсизланишига қарши чоралар ҳам кўрилди. 1983 йилдан бошлаб пулнинг қадрсизланиши даражаси йилига 3 фоиздан ошмаяпти.

Экспорт ҳажми йилига 20 фоиздан оша бошлади, унинг таркиби жиддий равишда ўзгарди.— 95 фоизини тайёр маҳсулот, шу жумладан 50 фоизни оғир саноат маҳсулоти, 21 фоизни тўқимачилик саноати маҳсулоти ташкил этадиган бўлди. 60-йилларнинг бошида 30 та мамлакат билан савдо қилинган бўлса, бу пайтга келиб уларнинг сони 180 тага етди.

Охирги йилларда Жанубий кореялик ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон савдо муҳити кескин равишда ёмонлашиб, таназзул ҳолатига олиб келди. Таназзул айниқса 1989 йилда яққол кўзга ташланди. Бунинг сабаблари, бир томондан, ишчи кучининг қиймати ошиши муносабати билан (Кореяда ўртача иш ҳақи ойига 900 долларни ташкил этади) Корея экспортининг рақобатбардошлиги пасайиши, доллар ва иенага нисбатан воннинг қадри ошиши, энг янги технологиядан фойдаланишдаги бироз қолоқлик бўлса, иккинчи томондан, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг ўз миллий саноатини жаҳон бозоридаги рақобатдан ҳимоя қилишининг кучайишида эди.

Сўнгги йилларда пайдо бўлган муаммоларнинг янгилиги Корея иқтисодий тараққиётининг янги босқичи бошлангани ҳақида гапиришга имкон беради. Бу босқичнинг мақсади чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва уни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши мумкин.

Пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш йўллари икки йўналишда қидирилмоқда; биринчи йўналиш ички эҳтиёжнинг ўсишини барқарор равишда таъминлаш бўлса, иккинчи йўналиш доимий равишда янги бозорларни қидириш—АҚШ, Япония, Сингапур, Тайвань, Гонконг, Ғарбий Европа билан ташқи савдо соҳасидаги фаолиятни кенгайтиришдан иборат. Ҳозир Хитой ва МДҲ давлатлари билан савдо-сотиқ ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Жанубий Кореядаги иқтисоднёт ислоҳот тажрибаси ҳақида гапирганда, бу ислоҳот кўпчилик хорижий давлатлардагидан фарқли равишда, ишлаб чиқаришнинг пасайиши эмас, иқтисодий ўсишга олиб келгани билан ҳам ўта ноёб ҳодиса эканини қайд этиш зарур.

Корея Республикасининг иқтисодий муваффақиятлари энг аввало экспортга алоҳида аҳамият берилгани, хусусий бойлик жамғариш ва илмий-техник ютуқлардан фойдаланишни рағбатлантириш сиёсатининг изчил ўтказилиши, инсон омилини фаоллаштиришга катта эътибор берилиши билан белгиланади. Бу ўринда «Ҳужайинга садоқат ва итоат» деган анъанавий конфуцийча ахлоқ қоидаларидан кенг фойдаланилди.

Ўтказилган ислоҳотларда давлат ўзгаришларни ишнинг кўзини билиб бошқариб турганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида давлат бу ўзгаришларни ончагина қаттиққўллик билан бошқарди. Бу сиёсат тобора юмшаб, чеклашлар камайиб бораётган бўлса-да, бугунги кунда ҳам давлатнинг иқтисодиётга таъсири анча кучлилигича қолмоқда.

Анвар ЗИЁ
(ЎзА).

САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

1414 ҳижрий йилнинг муборак Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ўзимнинг самимий саломим ва табрикларимни йўллайман.

Сизга юксак ҳурматимни изҳор этиш билан бирга, сиҳат-саломатлик, бахт, мусулмон биродарларга эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Қудратли ва раҳмдил Аллоҳ бирлигимизни мустаҳкамлаш, ислом дунёсининг равнақи сари йўл бошласин.

СУХАРТО,
Индонезия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан сиз жаноби олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Аллоҳ таъоло Сизга ва халқингизга сиҳат-саломатлик ато қилсин.

Ҳафиз ал АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий табрикларимни қабул этинг.

Беназир БХУТТО,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига Саудия Арабистони подшоҳлиги, халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг яхши дўстона табрикларимни ва самимий биродарона тилакларимни ўйллашдан мамнунман.

Сиз жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ ва саодат, биродар ўзбек халқига, барча ислом умматига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Энг яхши тилаклар ва эҳтиром ила

Фаҳд Бин Абдулазиз Ал САУД,
икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Сиз жаноби олийларига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий ва дўстона табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Сизга сидқидилдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман. Аллоҳ таъолодан Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон халқига ва барча ислом умматига ғўшнолик, фаровонлик, иззат-икром ва бахт-иқбол сўрайман.

Абдуллоҳ Бин Абдулазиз Ал САУД,
валиаҳд, Вазирлар Кенгаши Раиси муовини, Миллий гвардия қўмондони.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Урганчда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислом Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда муайян ижобий силжишга эришилганини таъкидлади. Масалан, бугунги кунда 400 дан кўпроқ хусусий, 130 га яқин ширкат, 300 дан зиёд жамоа корхонаси, 400 га яқин деҳқон (фермер) хўжаликлари ишлаб турибди. Қишлоқ жойларида 20 дан кўпроқ корхона очилди. Дружбадаги «Мерседес-Бенц» автомобиль корхонасида йиғила бошлаган машиналар учун ҳозирдаёқ 300 дан кўпроқ буюртма олинди. Аммо иқтисодий ислоҳот ҳамма соҳада ҳам изчил олиб бориляпти, деб бўлмайди. Аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатишда, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда талайгина камчиликлар бор. Айрим туман ва шаҳар ҳокимлари, ташкилот ва хўжалик раҳбарларида ҳамон ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмаётир.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов сўзга чиқди.

(ЎзА).

АМЕРИКА СЕНАТОРИ ТОШКЕНТДА

2 июнь куни Америка Қўшма Штатлари конгресси сенатори Арлет Спектер Тошкентга келди. Меҳмон шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов билан учрашди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро сиёсий, иқтисодий ва дипломатия муносабатлари тобора яхшиланиб бораётгани таъкидланди.

Сенатор мамлакатимизга ташрифидан асосий мақсади, Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар жараёни, парламент ва бир қанча вазирликлар фаолияти билан танишишдан иборат эканини айтди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк иштирок этди.

(ЎзА).

КИМОШДИДА ҲАЛОЛ САВДО

Жиззах вилоятида кўчмас мулклар ва тугалланмаган иншоотларнинг биринчи кимошди савдоси ўтказилди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси томонидан сотувга ўнта йирик объект қўйилиб, уларнинг умумий бошланғич нархи 1 миллиард 190 минг сўм-купон белгиланган эди. Савдога қўйилган объектлар салкам 12 миллиард сўм-купонга сотилди. Савдо давомида «Жиззах» меҳмонхонаси бошланғич нархдаги 296,8 миллион сўм-купондан 9 миллиард сўм-купонга, «Бўстон» ресторани 408 миллион сўм-купондан 1 миллиард 400 миллион сўм-купонга кўтарилиб, ҳалоллик билан харид этилди.

К. ЖУРАҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қоидаларни, шунингдек фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

1-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб:

ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга;

давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашига ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар якка тартибда ёки жамоа бўлиб ифоланган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Башарти республика қонун ҳужжатларида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг бошқа тартиби назарда тутилган бўлса, мурожаатлар ушбу Қонунга мувофиқ қараб чиқилмаслиги лозим.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хорижий давлатлар фуқароларининг мурожаатлари, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида уларни қараб чиқишнинг ўзга қоидалари назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонунда белгиланган тартибда қараб чиқилади.

2-модда. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек барча даражадаги депутатларга йўлланади.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, 5 кун муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт. Мурожаатларни кабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Башарти мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу муддатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтариб юборилади.

3-модда. Фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъқиб остига олишнинг ва мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилишнинг тақиқланиши

Фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини улар мурожаат қилиш воситасида ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқараётганликлари ёки ҳимоя қилаётганликлари учун таъқиб остига олиш ман этилади.

Ҳеч ким бирор-бир мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилинмаслиги лозим.

4-модда. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этишнинг тақиқланиши

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши вақтида давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан фуқароларнинг ўз розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларнинг ёки давлат сири ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек мурожаатга дахлдор бўлмаган, фуқаронинг шахси тўғрисидаги маълумотларни суриштириб билишга ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир ҳар қандай маълумот ошкор этилмаслиги керак.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлар

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланилади.

Ҳал этилиши оммавий ахборот воситаларининг ваколатига тааллуқли масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатлари ушбу Қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши лозим.

6-модда. Таклифни кўриб чиқиш

Таклифлар фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот таклифни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва фуқаронинг илтимосига биноан кўриб чиқиш натижалари тўғрисида унга маълум қилиши шарт.

7-модда. Аризани кўриб чиқиш

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаатлардир.

Аризаларни кўриб чиқиш ўз ваколатига кирадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари:

аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт.

Аризада баён этилган талабларни қондиришнинг рад этилиши фуқарога рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда маълум қилинади.

Аризаси бўйича қабул қилинган қарор устидан фуқаро томонидан ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Шикоятни кўриб чиқиш

Шикоятлар давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлардир.

Давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, корхона, муассаса, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бўйсунув тартибига қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга ёхуд судга берилади.

Юқори турувчи давлат органига, жамоат бирлашмасининг органига ёки мансабдор шахсга давлат органи ёки жамоат бирлашмасининг органи томонидан хатти-ҳаракат содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги фуқарога маълум бўлиб қолган вақтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Ўзрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат шикоятни кўриб чиқаётган орган томонидан тикланади.

Юқори турувчи давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, мансабдор шахснинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда судга шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаро шикоятни шахсан беришга ёки бу ишга бошқа шахсни вакил қилишга ҳақлидир.

Фуқаронинг манфаатларини кўзлаб бошқа шахс ҳам шикоят бериши мумкин. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб уларнинг қонуний вакиллари шикоят билан мурожаат қиладилар.

Шикоятга фуқаронинг мурожаати бўйича аввал қабул қилинган қарор ёки унинг кўчирмаси, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Фуқароларнинг шикоятларини хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш тақиқланади.

9-модда. Фуқаронинг шикоят кўриб чиқилиши вақтидаги ҳуқуқлари

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилотга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро:

шикоятни текшираётган шахсга ўз далил-исботларини шахсан баён қилиш;

текширишга доир материаллар билан ушбу Қонун 4-моддасининг талабларига риоя қилган ҳолда танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки шикоятни кўриб чиқаётган органнинг уларни сўраб олишини илтимос қилиш;

адвокат ёки бошқа шахснинг хизматларидан фойдаланиш;

шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма жавоб олиш;

етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

10-модда. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг шикоятларни кўриб чиқиш борасидаги вазифалари

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

шикоятларни холисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текширишлари;

шикоятга сабаб бўлган ноқонуний қарорни бекор қилишлари ёки ўзгартишлари, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан шошилинч чоратадбирлар кўришлари, қонидабузарликларга олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашлари;

фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор амалда ижро этилишини таъминлашлари;

фуқарога шикоятни текшириш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма тарзда маълум қилишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда раҳбар ёки унинг ўринбосари, жамоат бирлашмаларида эса сайлаб қўйиладиган органлар ёки улар ваколат берган шахслар шикоят бўйича қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

11-модда. Таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати

Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади

Аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.

Ариза ёки шикоятни ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

12-модда. Фуқароларни шахсан қабул қилиш

Барча даражадаги депутатлар, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт.

Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади.

Фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхатга олиниши лозим.

Фуқароларни давлат органларида, жамоат бирлашмаларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда қабул қилиш тартиби уларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади.

13-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Мурожаатни кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик, башарти бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса, мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фуқарони у давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилотга мурожаат қилганлиги сабабли ёхуд мурожаатдаги танқид учун таъқиб остига олганлик, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини давлат ёки жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказиш тарзида бузганлик айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

14-модда. Фуқаронинг шикоятини кўриб чиқиш вақтида қонун талабларининг бузилиши оқибатида унга етказилган зарарни қоплаш

Шикоят қондирилган тақдирда фуқаронинг мурожаати бўйича ғайриҳуқуқий қарор қабул қилган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ва ташкилот ёки мансабдор шахс унга шикоят билан мурожаат қилиш ва унинг кўриб чиқилиши туфайли кўрган моддий зарарини, тегишли органнинг талабига биноан шикоят кўриб чиқилиши муносабати билан бир жойдан бошқа жойга бориш мақсадида қилган сарф-харажатларини ва шу вақт ичида бой берган иш ҳақини тўлайди. Харажатларни ундиришга доир низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

15-модда. Ғайриҳуқуқий тусдаги мурожаат берганлик учун жавобгарлик

Фуқаронинг туҳмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват қўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатни берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

16-модда. Атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларни қоплаш

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот фуқаронинг атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текшириш туфайли қилган харажатлари суднинг қарорига биноан ундан ундириб олиниши мумкин.

17-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини назорат қилиш

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан назоратни давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўзларига бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар таъминлайдилар.

18-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Улар ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

• *ХДП ҳаётидан*

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Каттақўрғонда ушбу туман партия ташкилоти мисолида ички партиявий интизомни такомиллаштириш, аҳоли истиқомат жойларида партия сафларини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда вилоятдаги бир қатор туман ва шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари, ХДП аъзолари ҳисобини юритувчи масъул ходимлар, маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

Каттақўрғон туман партия кенгаши биринчи котиби Б. Шомаматов кенгашнинг иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди. Семинар-кенгаш қатнашчилари Қўлдош Файзиев номли маҳалла Орзи Маҳмудов номли ширкатлар уюшмаси, паррандачилик фабрикаси, газлаштириш идораси бошланғич партия ташкилотларида ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш партия аъзолари билан ишлаш масалалари юзасидан суҳбатлар ўтказишди.

Жойларда бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида 20 кишига Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Анжуман якунида вилоят партия кенгаши биринчи котиби И. Суюнов аҳоли истиқомат жойларида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик хусусида сўз юритди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМНАФАС БЎЛИБ

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ принципларига, БМТ низомига содиқлигини мустаҳкамламоқда. Бунга биздаги сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувликни ёрқин мисол қилиб келтирса бўлади.

Шу кунларда Собир Раҳимов туманида жойлашган ташкилот ва корхоналарда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонуннинг вазифалари бўйича сиёсий мулоқотлар бўлиб ўтяпти. Унда нафақат партия аъзолари, балки партияга ҳайрихоҳ бўлганлар ҳам иштирок этмоқдалар.

Тумандаги 127-автокорхона, «Миконда», Ип-йигирув фабрикаси, «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика қариялар уйида сиёсий мулоқотлар сермазмун ўтди. Жумладан, 127-автокорхонада юқорида қайд этилган кун тартиби бўйича сиёсий мулоқот юқори савияда ўтказилди. Шу бугунга келиб, бу корхона бошланғич партия ташкилотида 35 нафар Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси ҳисобда туради. Партия ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган сиёсий мулоқот кунида 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи иштирок этиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Корхона раҳбари С. Тоиров асосий масала юзасидан маъруза қилди.

Шунингдек, корхона бошланғич партия ташкилотининг аъзолари Собир Раҳимов туман кенгаши ходимлари билан биргаликда ҳамнафас ва ҳамжиҳатлик билан ишлашга ишонч билдирдилар.

Эркин ЭСИРҒАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб кўпроқ омма орасига кириб боришни ўзларига мақсад қилиб олишган. Шу боис ҳам партиянинг нуфузи ортиб бораяпти.

Сиз кўриб турган суратда ҳам туман Қизил ярим ой жамияти вакили Элла Кочава (ўнгда) ва Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг иккинчи котиби Нафиса Ибрагимова 10 ёшли Маъмуржон Эргашевга ногиронлар аравачаси ҳамда эсдалик совғаларни топширмоқда.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Оқолтин туманида уч йилдан буён болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун муносабати билан хайрия марафони ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўтган йили хайриядан тушган 17 миллион сўм маблағ касалхона биноларини таъмирлашга сарфланди. Дори-дармонлар харид қилинди.

Бу галги хайрия марафони «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтди. Марказий касалхона ҳовлисида эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янграб, хайрия марафонига барчани чорлади.

Сўнгра туман агросаноат банкида очилган 70403 рақамли молия ҳисобига Аъзам Алиқулов, Зарем Якубов, Абдурасул Алиқулов каби олийҳиммат кишилар ўз номаридан 400 минг сўмдан, ўзлари раҳбарлик қилаётган жамоа ҳисобидан эса 2 миллион сўмдан пул ўтказишди. Шу куни хайрия ҳисобига жами 40 миллион сўмдан энёд маблағ тушди.

«Соғлом авлод учун» хайрия марафонини уюштиришда халқ депутатлари туман кенгаши ва ЎзХДП туман кенгаши, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси жамоаларининг ҳиссаси катта бўлди.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН • ҚАЗАҚСТАН • ТОҒИКИСТОН • ҚИРҒИЗИСТОН • ТУРКМАНИСТОН

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ТАҲРИРИЯТ МЕҲМОНЛАРИ

● ТОШКЕНТ. Кеча таҳририятимизга Туркия Республикасидан бир гуруҳ журналистлар ташриф буюрдилар.

Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Жавдат Ҳулкар ўғли ҳамроҳлигида келган меҳмонлар — «Миллият» газетасининг Анқара бўлими бошлиғи Ўрхон Тоғатли ва «Майдон» газетаси ходими, Туркия таништириш вақфи бош директори, Туркиядаги Россия Федерацияси ва турк жумҳуриятлари дўстлик уюшмаси раиси Камол Бойтош жаноблари таҳририят ходимларига мустақил Ўзбекистон ҳақи-

даги илк таассуротлари билан ўртоқлашдилар. «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюн туркиялик ҳамкасбларимизга Ўзбекистоннинг ўз истиқлол йўлида эгаллаётган марралари, журналистлар ҳаётидаги янгиликлар хусусида сўзлаб берди.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ
олган сурат.

АСПИРАНТЛАРГА ЭЪТИБОР

ДУШАНБЕ. Тожикистон Вазирлар Кенгаши қарори билан аспирантлар учун бир неча номда махсус стипендиялар жорий этилди.

Жумладан, ижтимоий фанлар аспирантлари учун Саъдий Шерозий номида 8 стипендия, табиий фанлар, математика ва техника мутахассислиги бўйича аспирантлар учун Умар Ҳайём номида 7 стипендия, Султон Умаров номида 3 стипендия, тиббиёт аспирантлари учун Абу Али Ибн Сино номида 2 стипендия таъсис этилди. Мазкур стипендиялар миқдори олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган давлат стипендияларидан 25 фоиз кўпдир.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

● БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва Бош вазир Апас Жумагулов Бельгия ва Францияга расмий ташриф билан жўнаб кетди.

Брюссель шаҳрида Қирғизистон Президенти Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ҳақида, Бельгия ҳукумати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда сармояларни ҳимоя қилиш хусусидаги битимларни имзолайди. Парижда ҳам у ҳукумат раҳбарлари ва ишбилармонлар билан учрашди. Қирғизистон Президенти республика иқтисодиётини тангликдан олиб чиқиш учун мамлакатга чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш ниятида.

ОМБОРХОНА ТОПИЛДИ

● ДУШАНБЕ. Тожикистон Мудофаа вазирлиги бўлинмалари ички ишлар ва хавфсизлик кучлари билан биргаликда ўтказган йирик миқёсли тадбир жараёнида тоғларда яшириб қўйилган ўн битта йирик қурол-яроғ ва ҳарбий кийим омборхонаси топилди.

Бу тадбирдан мақсад Мудофаа вазирлиги бўлинмаларининг ҳарбий тайёргарлигини текшириш, шунингдек, маҳаллий аҳолидан қонунсиз сақланаётган қурол-яроғларни йиғиштириб олиш эди.

Мудофаа вазирлиги штабида эътироф этишларича, Помир этакларидаги бориш қийин бўлган дараларда ҳукуматга қарши гуруҳлар мавжуд. Аммо кичик сонли бу гуруҳлар жиддий хавф туғдирмайди. Аҳолининг катта қисми республиканинг ҳозирги қонуний ҳукуматини қўллаб-қувватламоқда.

АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

ЎШ. Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги хўжаликларида ҳайдов тракторлари энди бекор туриб қолмаяпти. Бунда Андижон вилоятининг Охунбобоев шаҳридаги давлат подшипник заводи жамоасининг муносиб улуши бор.

Қўшни республика механизаторлари завод жамоасига тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлардан ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишган эди. Корхона меҳнат аҳли уч ой мобайнида қўшниларга зарур бўлган тўрт хил подшипник ва бошқа эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қирғизистонликлар эса бунинг эвазига чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиб беришди.

Подшипник заводи жамоаси Қозоғистоннинг Қарағанда вилоятидаги корхоналар билан ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ерга подшипниклар етказиб берилиб, ўрнига металл, электродлар, кўмир, карбид олиб келиняпти. Бу материалларнинг бир қисми Жалолқудуқ туманидаги хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолига арзон нархларда сотилмоқда.

САНЪАТКОРНИ ХОТИРЛАБ

ДУШАНБЕ. Машҳур шошмақомчи санъаткор Ако Шариф Жўраев туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланди. Марҳум санъаткор юбилейига бағишлаб Қоҳи Борбад санъат саройида тантанали кеча бўлиб ўтди. Мирзо Турсунзода номидаги санъат институтида эса унинг ижодий фаолиятига бағишланган адабий конференция ўтказилди.

Шунингдек, Душанбедаги адиблар уйида марҳум ёзувчи Фотеҳ Ниёзийнинг 80 йиллиги ҳам нишонланди. Шу муносабат билан ёзувчининг қабрига унинг ҳайкали, яшаган уйига эса хотира лавҳаси ўрнатилди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси борасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

маълумотлар базаси — электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи;

ЭҲМ учун яратилган дастур — муайян натижа олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи;

бошланғич матн — бирорта дастурлаш тилида ёзилган, бирон-бир компилятор қайта ишламаган матн;

объект коди — бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур;

ЭҲМ учун яратилган дастурни декомпиляция қилиш — ЭҲМ учун яратилган дастурнинг таркибий тузилиши ва кодланишини ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич матнга айлантиришни ўз ичига оладиган техникавий усул;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг адаптацияси — юзага келган муайян шароитда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ишлашини таъминлаш мақсадидагина амалга оширилиладиган ҳамда (декомпиляция қилиш оқибатида) муаллифнинг бошланғич матни ўзгаришига олиб келмайдиган қўшимчалар киритиш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш) — уларни адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олиш — ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни ЭҲМнинг хотирасига ёзиш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тарқатиш — ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини босиб чиқариш (эълон қилиш) — ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхаларини муаллифнинг розилиги билан номуайян шахслар доирасига бериш (шу жумладан, ЭҲМ хотирасига ёзиш ва босма матн чиқариш йўли билан бериш);

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш — уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб эътироф қилинмайди.

Ҳуқуқ эгалари — муаллиф, унинг меросхўрлари, шунингдек қонун ёки шартнома асосида мутлақ шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар.

2-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ҳуқуқий ҳимоя объекти

Ушбу Қонун ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритади.

Муаллифлик ҳуқуқи вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф ижодий фаолиятининг натижаси бўлмиш ҳар қандай ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Ушбу Қонун билан берилиладиган ҳуқуқий ҳимоя:

ҳар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан, интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш шартлари

ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмиятчиликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган материаллардан (асарлардан) таркиб топган маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи маълумотлар базасини яратган шахсларга тегишли бўлади.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган тақдирдагина эътироф этилади.

Маълумотлар базасига киритилган материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи сақланади. Бу материаллар, маълумотлар базасидан қатъи назар, ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустақил равишда танлаши ва ташкил этишига монелик қилмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмини: доира ёки кичик қавс ичига олинган «С» ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгалиги ҳуқуқи билан алоқадор эмас. Моддий ашёга нисбатан бўлган ҳуқуқларни ўзгаларга ҳар қандай тарзда бериш ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларидан бирортасининг ўзгаларга ўтиб қолишига сабаб бўлмайди.

5-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муаллифлик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ белгиланади.

6-модда. Муаллифлик, шахсий ва мулкий ҳуқуқлар

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан, дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

7-модда. Мулкий ҳуқуқларни ўзгаларга ўтказиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар шартнома бўйича ўзга жисмоний ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва унда албатта қуйидагилар белгилаб қўйилади: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

8-модда. Хизмат вазифаларини бажариш тартибида яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар иш берувчига, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади.

Ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига нисбатан мулкий ҳуқуқларга эга бўлган ташкилот ёки корхона (мулкчилик шаклидан қатъи назар) қайта ташкил қилинса, тарқатиб юборилса ёки тугатилса, барча мулкий ҳуқуқлар тегишли равишда суднинг ёки тугатиш комиссиясининг қарорига кўра, муаллифга (муаллифларга), давлатга ёки бошқа ҳуқуқий ворисга ўтказилиши мумкин.

9-модда. Рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкий ёки шартномага кўра, фақат мулкий ҳуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили орқали Дастурий маҳсуллар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида (матнда бундан буён Реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳузуридаги тегишли органга (матнда бундан буён Агентлик деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома (матнда бундан буён рўйхатдан ўтказиш талабномаси деб юритилади) ЭҲМ учун яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига тааллуқли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш қоидаларини Агентлик белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Агентлик керакли ҳужжатларнинг бор-йўқлиги ва қоидаларнинг талабларга қанчалик мувофиқлигини текшириб чиқади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Агентлик ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома топширади ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига доир маълумотларни Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилади.

Талабнома берувчи Агентликнинг сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Агентлик талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Расмий рўйхатдан ўтказиш тартибини, расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома шаклларини, уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Агентлик белгилайди. Расмий ахборотномада эълон қилинадиган маълумотлар рўйхати ҳам Агентлик томонидан белгиланади.

Рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкий ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга берилиши тўғрисидаги шартнома Агентликда рўйхатдан ўтказилиши лозим. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Агентликда рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини, шартномаларни расмий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилганлиги ва маълумотлар босиб чиқарилганлиги учун рўйхатдан ўтказганлик йиғимлари ундирилади. Рўйхатдан ўтказганлик йиғимларини тўлаш миқдорлари, муддатлари, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш асослари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

10-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш

Ўзбекистон Ресепубликасининг юридик ва жисмоний шахслари ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш Агентликка талабнома топширилганидан кейин амалга оширилади.

11-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида фойдаланиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиш ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари сотилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланиши, хусусан, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин.

12-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларидан эркин нусха олиш ва уларнинг адаптацияси

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган ҳолда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан, ЭҲМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. ЭҲМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭҲМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса), қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга; ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив мақсадларигагина мўлжалланган тақдирда ва қонуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб қолган (ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўқолиб қолган, йўқ қилинган ёки яроқсиз ҳолга келган) тақдирда ўзлари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топшириқ беришга. Бунда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юқорида айтиб ўтилган мақсадлардан бўлак мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас ва ЭҲМ учун яратилган ушбу дастурдан ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш қонуний бўлмай қолса, улар йўқ қилиниши лозим.

ЭҲМ учун яратилган дастур нусхасига ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эга бўлган шахс муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган тақдирдагина бу дастурнинг кодланиши ва таркибий тузилишини ўрганиш мақсадида уни декомпиляция қилиши мумкин.

13-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини эркин олиб сотиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик ҳуқуқи ёки ўзга мулкий ҳуқуқлар ушбу нусхага эгалик ҳуқуқи биринчи маротаба сотилганидан кейин ёки бошқача тарзда ўзгага ўтказилганидан кейин, ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ёки бошқача усулда ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилади.

14-модда. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

ҳуқуқлари тан олинишини;

ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

Суд ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан зарарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин.

15-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли ушбу Қонун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, мазкур Қонун амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, 1996 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Қонун амалга киритилишидан илгари босиб чиқарилган (эълон қилинган) электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан илмий-тадқиқот, ўқув-маърифий ҳамда шахсий мақсадларда фойда (даромад) орттирмаган тарзда муаллифнинг (ҳуқуқ эгасининг) розилигисиз ва унга ҳақ тўламай фойдаланишга йўл қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритсин;

Ҳукуматнинг қарорларини «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

• Иқтисодиёт чорраҳаларида

ОДИМЛАРИ ДАДИЛ ОДАМЛАР

СУРАТДА: корхона раҳбари Оқилжон Аъзамов ҳисобчи Қумри Абдуллаева билан иш режасини тузмоқда.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

Халқимиз • кўпаймоқда. Одамлар уй қуриш учун, аввало, ер олмоқдалар. Бироқ, ўша ерда иморатни тикка қилиш-чи? Назаримизда, қурилиш ашёларининг тақчиллиги барча уй-жой қурмоқ ниятида юрганларни бирдай ўйлантирса керак. Бундай пайтда ота-боболаримиз ҳеч иккиланмай халқ усталари анъаналарига таянишган, хонадонларида фарзанд туғилган кундан бошлабоқ унинг бўлажак уйи учун терак экиб, ёғоч, тахта ғамини ейишган. Деворзанлик ёки ғишт қўйиш ҳам халқимизнинг оғирини енгил қилган ана шундай бобомерос касблардан ҳисобланган. Бу касб бугунги кунда ҳам халқимизга қўл келяпти. Ҳаммадан бозор иқтисодиёти шароити мижозлар ўртасида бу соҳада ишлаётганларнинг меҳнати қадрини янада оширмоқда.

Маълумки, бугунги шароит ҳар бир корхона, ташкилот тадбиркорлик билан иш юритгани туфайлигина аниқ ютуққа эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ғишт ишлаб чиқараётган «Силикат» ижара корхонаси мисолида бунга яққол кўришимиз мумкин. У ерда уч сменада иш ташкил этилган бўлиб, бир кунда 100 мингга яқин ғишт ишлаб чиқарилади. Ғишт бўлганда ҳам қандоқ? Бурчакларига кемтик тушмаган, «ўйнатиб» юборадиган сифатли ғиштлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага қадам ранжида пудрат корхонаси мисолида бунга яққол кўришимиз мумкин. У ерда уч сменада иш ташкил этилган бўлиб, бир кунда 100 мингга яқин ғишт ишлаб чиқарилади. Ғишт бўлганда ҳам қандоқ? Бурчакларига кемтик тушмаган, «ўйнатиб» юборадиган сифатли ғиштлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага қадам ранжида қилишимиз биланоқ харидоргир маҳсулотнинг сири, асосан, бу ерда ишчиларга алоҳида эътибор берилишида эканлигини кўрдик. Чунки корхонанинг ҳар бир ишчиси ижтимоий-иқтисодий томондан кафолатли ҳимояланган. Сут-қатиқ маҳсулотлари билан ишчилар ҳар куни бепул таъминланади. Меҳнат таътили бу ерда ўн икки кун қўшимчаси билан — 36 кун қилиб белгиланган. Ёки дам олиш оромгоҳларига фарзандларини жўнатган ота-оналар яқинда йўлланма харажатларининг 30 фоизини тўлашди. Маошлари ҳам чакки эмас, ўртача 500—550 минг сўмга боради. Яна ойнга маошининг ўн фоизи миқдорида мукофот пули ҳам олишади. Демак, қаерда тадбиркор, ишбилармон раҳбар бўлса, қўл остида ишловчилар ҳам хор бўлмайди.

— Ишга ўз вақтида келиб, ихлос ва меҳр билан киришадиган, натижада фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга эришаётган ишчилар бизда кўпчиликни ташкил этади. Уларга биз қанчалик ёрдам берсак оз,— дейди корхона раҳбари Оқил Аъзамов.

— Бу ерда тайёрланаётган мингта ғиштнинг таннархи 260 минг сўмга тушмоқда. Чунки хом ашё — тупроқ шу яқин атрофдан олиб келинади. «Яланғоч»да карьер бор. Корхонада жами 160 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ана шунданда, мени ишга олинг, деб келувчилар сони ошмоқда. Агар корхонада ишлаб чиқаришни янада кенгайтирсак иш сўраб келувчиларнинг ҳаммаси бу ерда қўним топиши мумкин.

Ўтган йили 963 миллион сўм фойда кўрдик. Ана шу маблағни корхонани кенгайтиришга сарфлаш ниятимиз бор.

Ҳозирча корхонада тайёрлаш, қуритиш, пишириш цехлари ишлаб турибди. Биз билан шерикликда иш юритишга «мана мен» деб турган талабгорлар юқорида айтганимдек, остонамиздаёқ пойлаб туришибди. Тайёрлаётган маҳсулотимиз уларга маъқул.

Аҳил, катта жамоамиз бу йил мижозларига ўтган йилдагидан кўп — 24 миллион дона сара ғишт етказиб бердилар.

Хуллас, бир зум ҳам иш мароми тўхтаб қолмаслигининг олди олиняпти. Қоплаш цехининг янги линияси яқинда ишга туширишга тахт қилиб қўйилди.

Очғини айтсак биз тадбиркор раҳбар Оқил Аъзамов бошлиқ «Силикат» ижара пудрат корхонасидаги ибратли ишлар ҳақида бироз тўхталдик. Бу ерда эришилаётган ютуқлар мустақил иш юритишнинг афзаллигидан нишона. Кўриниб турибдики, корхонада мижозларнинг сифатли ғиштга бўлган талаби келгусида ҳам кўпроқ қондирилади. Бу йўлда цех бошлиғи Баҳодир Тожибоев, илғор ишчилардан Бектурди Раҳимов, Ҳасан Бозоровлар, айниқса, фидойилик кўрсатишмоқда. Чунки улар ота-боболаримиз эъзозлаб келган касбга меҳр қўйишган. Шу боисдан ҳам улар одимлари дадил одамлардир!

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ“ — Ижодиётига

ЯХШИ ҚЎШИҚ ЖОН ОЗИҒИ

Жиззах вилоятининг Фориш туманида бир қишлоқ бор. Гараша дейишади. Нурота тоғ тизмасининг жанубий ён бағрида жойлашган бу қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик билан шуғулланади. Бу ерликларнинг кўпчилиги хўжалар эвлодидан ҳисобланиб, айтишларича, уларнинг шажараси Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг авлодларига бориб туташаркан.

Тоғнинг мусаффо ҳавоси, осмондек тиниқ ва болдек ширин булоқ сувлари, олис-олис уфқларга туташиб кетган қир-адирлар... Табиатнинг бу жаннатмонанд гўшаларининг беқиёс манзаралари мисоли мазкур ҳудудда яшовчи кишиларнинг феъл-атворида ҳам акс этгандек. Бугунги суҳбатдошимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Луфтуллаев ҳам шу заминда туғилган.

— Аслида мен санъаткорлар оиласиданман, десам хато қилмайман, — дейди у киши. — Бувамиз ҳам, отамиз ҳам қўшиқчи бўлишган. Падари бузрукворимиз — Лутфуллахон ҳофизми Самарқанд ва Жиззах томонларда яхши танишган. Бизга отамиздан қолган мерос, шу — санъатга меҳр-муҳаббат бўлди. Акам Амрилло Лутфуллаев ҳам яхшигина ҳофиз бўлганлар. У киши қишлоқда ўқитувчи эди. Кунлардан бирида у уйимизга радио олиб келди.

1948—1950 йилларда радио орқали Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновнинг ашулаларини катта қизиқиш билан эшитардим. Ўша пайтда «Содирхон ушшоғи»ни «Тожик сувораси» дейишарди, ҳозирги «Она суввора»ни, кейин Камтар Отабоев шеъри билан айтиладиган «Ой доғланур» каби ашулаларни ижро этишганда ўзимни йўқотиб қўярдим ҳатто. Қўлимда қоғоз-қалам бўларди ҳамиша. Ана шу ашулаларни кўчириб олиб, хиргойи қилиб юрардим. Туз-насиба отам ва акам туфайли, кейин Жўрахон ака, Маъмуржон акаларнинг радиодан берилган қўшиқлари орқали мен ҳам шу соҳани танладим. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Самарқанддаги зооветеринария техникумига ўқишга кирдим. Бу ерда ҳам ҳаваскорлик тўғараги бор экан, шунга қатнашиб турдим. Биринчи босқични битирганимдан кейин Самарқандга Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоева, Муҳаммаджон Мирзаевлар ижодий сафар қилиб келиб қолишди. Мен техникумда ўқиш билан бирга театрда ҳам қатнашиб юрардим. Театр директори Шариф Акрамов меҳмонлар билан суҳбатлашиб ўтириб: «Бизда ҳам битта «Маъмуржон» бор, эшитиб кўрасизларми?» дебди. Хуллас, кечқурун Шариф Акрамов мени чақиртириб, Мирзаевга йўлиқтирдилар. У киши ҳофиз қўшиқларининг куйларидан чалдилар, мен ашуласини айтиб бердим.

Хуллас, Маъмуржон ака ўзининг гуруҳига олди. Уч-тўрт ой ишлаб турганимдан кейин алоҳида бир гуруҳ ташкил этишганди, ана шунга мустақил хонанда сифатида қабул қилишди. Бу воқеа 1956 йилда содир бўлди.

Эллик еттинчи йилда эса танлов орқали эстрада театрига ишга кирдим-да, то 60-йилгача ўша ерда ишладим. Мақом ансамбли очилиб қолди. Мени эстрада театридан кўра кўпроқ мақом санъати ўзига тортарди. Радиога келиб бу ансамблнинг раҳбари Юнус Ражабийга ўзимнинг мумтоз мусиқага ишқибозлигимни айтдим. «Бир эшитиб кўрсангиз мақомдан айта олармиканман?» дедим. «Қани бир эшитайликчи», дедилар устоз. Созандалар жўр бўлишди. Мен куйладим. Шундай қилиб, 1960 йили мақомчилар жамоасига қўшилдим.

Ўшандан бери ушбу жамоада ва Дони Зокиров раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида хизмат қилиб келяпман. Бу йиллар ичида 500 дан зиёд қўшиқларимни ёзиб олишди. Улардан юздан ошиғига ўзим қуй басталаб, ўзим ижро этдим. Эндиликда бу қўшиқлар радио орқали тез-тез бериб бориляпти. Шунингдек, бастакорларимиздан Наби Ҳасанов, Саванджон Калонов, Комилжон Жабборов қўшиқларини айтдим.

— Устозларингиз ҳақида батафсилроқ гаплашсак

— Аввало, Маъмуржон Узоқов қўшиқларини севиб, у кишининг ижрочилигига ишқибоз бўлиб санъат остонасига қадам қўйдим. Жўрахон Султоновнинг танбурини кўтариб, у кишига шогирд тушиб юрдим. Жўрахон ака менга биргина ашула айтишни эмас, балки одоб-ахлоқ, оила-рўзғор тутиш, бола-чақани тарбиялаш... Қўшиқ ижро этганда даврада ўтирган кишиларнинг савияси, ёшини ҳисобга олиш, уларга қайси қўшиқ маъқул келади?.. Хуллас, мана шунга ўхшаш жуда кўп жиҳатларни шу кишидан ўргандим. Ҳақиқий устозим деб мана шу одамни биламан. Илҳом Тўраев деган ғижжакчи бўларди. Менга у кишининг ҳам кўп меҳнатлари сингган.

Ундан кейин Юнус Ражабий «Шошмақом»нинг барча сир-асрорларини ўргатишда бизга жуда катта раҳнамолик қилдилар. «Кўпчилик ўзини ашулачиман, деб юради-ю, лекин бақириш-чақириш билан иш битмайди. Мақом ниҳоятда нозик нарса», дердилар устоз. Мақомнинг ҳам куйларини, ҳам йўлларини, ҳам нозик томонларини, киши билар-билмас сирли қочиримларини устоз қўлига дутор олиб, ҳар биримизга қунт ва сабот билан ўргатардилар.

— Эсон ака, яна бир савол: ҳозирги ёшларнинг мақом санъатига қизиқиши ташвишланарли. Лекин ўйлайманки, ҳар бир инсон ёши ўтавергач, узоқ синовлардан ўтган оғир куй-қўшиқларга ўзида мойиллик сезади. Шу нуқтаи назардан ёшларнинг, халқимизнинг мақомга муносабати, умуман, ушбу санъатнинг бугунги аҳволига тўхталсангиз.

— Бир нарса эсимга тушиб кетди. Ўша 1957 йилда Жўрахон ака билан бирга концертларга бориб юрганимизда, давраларга тушганимда майда-чуйда, бўлар-бўлмас ашулаларни айтсам ҳам менга нисбатан олқишлар, раҳматлар ёғиларди. Жўрахон ака кулиб ўтирарди: «Янги кўзанинг суви тоза бўладида» дерди... Демоқчиманки, ҳозир қўшиқ шинавандалари ҳар хил бўлиб кетди. Ёшларимиз ўртасида яхши ҳофиз ва созандаларимиз бор-у, лекин афсус билан айтиш керак, уларнинг мақомга эътибори камроқ. Билмадим, улар шинавандаларни енгил йўл билан ўзларига тортмоқчи бўлишадими?

Мақом ўзбек халқининг миллий мусиқаси. Унинг моҳиятига етиб, асл маъносини агар билиб олса, киши ўзи учун чексиз ҳузур манбаини топади. Машҳур бастакоримиз Ғанижон Тошматовнинг «Ёшинг ўтган сари санъатинг ҳам улуғлашиб боради. Санъат уммонининг чуқур қаърига шўнғигинг келаверади. Ўз касб-корингнинг сирларини янада теранроқ била бошлайсан. Классик куйлар, мақомлар кишини ўзига нақадар мафтун қилади», деганлари ҳақ гап. Мақом мени ўзига ром этган. Бу йўлдаги куй-қўшиқларни ҳар гал эшитганда аллақандай сирли хаёллар оғушига шўнғиб кетаман, афсуски, ҳозирги ёшларимизда бу нарса етишмайди. Демоқчиманки, илгари биз ҳам ҳозирги авлодга ўхшаганроқ эдик. Ўртага тушиб олиб чала-чулпа ашулаларни айтиб, гўё кишиларни ўз санъатимизга мафтун қилганга ўхшардик, мағрурланиб ҳам қўярдик. Бугун эса... Ҳатто ўшанда айтган ашулаларимни эсласам уялиб кетаман. Айримлари радио хазинасида ҳам бор. Иложи бўлса уларни эшиттиришмаса дейман. Чунки эндиликда мен бошқа бир дунёга кириб кетгандайман. Мақом ҳақида сўз кетганда, гапирганда қадимги ривоятларда яхши қўшиқ ўликка жон ато қилибди, деган гаплар бежиз айтилмаганига ишонаман. Қани энди илгариги яллаларимиз, лапларимиз, мақом қўшиқларимиз, халқ қўшиқлари санъатимизда етакчилик қилса... Мен ёшлар орасидан мана шундай улуғ санъаткорлар етишиб чиқиши учун халқ қуй-қўшиқлари ва мақом санъатига алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарашларининг тарафдориман.

— Эсон ака, Сизнинг «Онажон — Каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қилай?» деган сатрлар нақорат сифатида айтиладиган қўшиғингиз бор. Тинглаганда ҳар бир киши ҳам кўзига ёш олади, ҳам янги туғилгандай ўзида инсоний бир меҳр туяди. Унинг яратилиши қандай бўлган?

— Ҳайдар Яҳёев деган шоирни биласиз. 1969 йили, онам қазо қилган кунлар эди. Қўнғироқ қилиб уйларига чақириб қолдилар. Менга: «Онангиз вафот қилибдилар, хафа бўлмай юрибсизми?» дегандай тасалли бердилар. Суҳбатимиз мумтоз шоирларнинг адабий мероси мавзуида бўлди. Бир пайт у киши олдимга бир қоғоз қўйдилар. Қарасам мана шу қўшиқ матни. Менга жуда маъқул бўлди. «Шуни қўшиқ қилса бўладими?» дедилар. Мен айтдим: «Ҳа, албатта. Нега бўлмас экан? Лекин бир илтимос, бу она ҳақидаги қўшиқ бўлибди, буни енгил-елпи куйга солиб бўлмайди. Буни ўзимизнинг ҳалиги ёввойи бир куйга солиб, катта ашулага ўхшатиб тайёрласак...». У киши «Онажон— Каъбам ўзинг, сенсиз жаҳонни на қилай?» деб икки қатор нақоратини қўшиб бердилар.

— Қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қиляпсиз?

— Содирхон Эркинов деган жуда ажойиб навоийшунос олимимиз бор. Академиянинг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида ишлайдилар. Содирхон ака билан биз самарали ҳамкорлик қиляпмиз. Эркин Воҳидов, Саъдулла Ҳаким, булардан ташқари Тўра Сулаймон, Тўлқин, Барот Исроил каби замонавий шоирларнинг ҳам қўшиқларини айтяпман.

Умрни оқар дарёга қиёслайдилар. Бунда жуда катта рамзий маъно бор. Ҳожи Абдулазиз, Тўйчи Ҳофиз, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов каби улуғ санъаткорлар туфайли халқимиз қалбида ардоқланиб келинаётган мақом қўшиқларининг Эсон Лутфуллаев сингари беназир ижрочилари борлиги, улар оз эмаслигига шукур қиламиз.

Рустам ҒАНИ
гурунглашди.

Восит ВОҲИДОВ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жарроҳлик илмий марказининг ташкилотчиси ва директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Восит Воҳидович Воҳидовнинг 1994 йил 1 июнь куни 77 ёшида вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади.

В. Воҳидов 1917 йилда таваллуд топган. 1939 йили Тошкент тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан битиргач. ҳарбий пункт шифокори, кафедра ассистенти, доценти, кафедра мудири, йирик илмий марказнинг ташкилотчиси ва раҳбари вазифаларида ишлади.

В. Воҳидов юрак, қон-томир, қизилўнгач, ўпка жарроҳлигини илк бор бошлаб берган олимдир. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб юракни очиқ ҳолда сунъий қон айланиши ва гипотермия ёрдамида операция қилган.

Академик В. Воҳидов ихтисослаштирилган жарроҳлик хизматининг ташкилотчиларидан бири эди. У юзлаб илмий ишлар, бир қанча монография, муаллифлик гувоҳномалари, услубий қўлланмалар соҳибидир.

Академик В. Воҳидов раҳбарлигида кўплаб фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқди. У узоқ йиллар мобайнида жаҳон жарроҳлар уюшмасининг ҳақиқий аъзоси, республика жарроҳлар жамиятининг раиси, «Ўзбекистон тиббиёти» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

В. Воҳидов самарали меҳнати учун орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

В. Воҳидов ташкил қилган жарроҳлик илмий маркази республикамизда тиббиёт фанини ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлашда етакчи муассаса ҳисобланади.

Бешафқат ўлим орамиздан ажойиб инсон, етук олимни олиб кетди. В. Воҳидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланажак!

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ, И. ЖУРАБЕКОВ, М. ҚОРАБОЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, Ш. КАРИМОВ, И. МУСАБОЕВ, Е. ТУРАҚУЛОВ.

ХАРЧИНОМА

VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM

FOR 1995-1996 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR THE 1995-1996 ACADEMIC YEAR.

THE OBJECTIVE OF THE FULBRIGHT PROGRAM IS TO PROVIDE EDUCATIONAL EXCHANGE EXPERIENCE THAT SHOULD ALSO BE OF INTRINSIC VALUE TO THE RECIPIENT'S HOME INSTITUTION, ITS FACULTY, AND ITS STUDENTS.

GRANTS ARE MADE FOR A VARIETY OF SPECIALITIES, PRIMARILY IN ADVANCED RESEARCH AND UNIVERSITY LECTURING, AND ARE AWARDED FOR A PERIOD OF TWO TO TWELVE MONTHS.

TO BE ELIGIBLE FOR A RESEARCH AWARD, ONE MUST HAVE THE FOLLOWING QUALIFICATIONS: CITIZENSHIP OR PERMANENT RESIDENT STATUS IN UZBEKISTAN, A DOCTORATE AT THE TIME OF APPLICATION OR EQUIVALENT PROFESSIONAL QUALIFICATIONS, ENGLISH LANGUAGE PROFICIENCY, AND GOOD HEALTH.

APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE AT AMERICAN EMBASSY (CHILANZARSKAYA UL., 82, TASHKENT, UZBEKISTAN-700115; TEL.: 77-11-32, 77-10-81, 77-14-07).

THE APPLICATION FORMS MUST BE RETURNED TO THE EMBASSY NO LATER THAT SEPTEMBER 30, 1994.

THE PRELIMINARY SELECTED CANDIDATES WILL BE INVITED FOR INTERVIEWS. THE CANDIDATES FINALLY SELECTED IN THE U.S.A. WILL BE NOTIFIED LATER.

• *Спорт*

ЮТГАНГА БАЛЛИ, ЮТҚАЗГАН ҲАМ ҚУРУҚ ҚОЛМАЙДИ

PRESIDENT CUP — UZBEKISTAN — INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT

TASHKENT 1994

Шу кунларда юртимиз пойтахтида катта теннис нафаси уфуриб турибди. Кичик тўп мусобақаси ошуфталарининг қувончи чексиз. Янги бунёд этилган теннис кошонаси — «Юнусобод» спорт мажмуи бир неча кундан бери гавжум. Ўрта Осиёда илк марта «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро мусобақа мустақил диёримиз довруғини дунёга ёйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Бизнинг бу халқаро турнирдан кўзлаган мақсаду муддаомиз — Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги катта салоҳиятини юзага чиқариш, бунинг учун етарли шарт-шароитлар борлигини кўрсатиш». Юртбошимизнинг халқаро мусобақани очилишида айтган бу гаплари теннисчию мутахассисларнинг руҳини кўтариб юборди.

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим омили ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортга эътибор қилинаётгани амалда намоён бўлмоқда. Халқаро теннис мусобақаси доирасида Тошкентга ташриф буюрган ишбилармону тадбиркорлар, мутахассису тижоратчилар фойдали ишни ҳайрлиси билан уйғунлаштирмоқдалар. Бизнесчилар анжумани ўтказилгани ҳам шундан далолат. Умуман теннис билан фақат ҳаваскор ёки профессионалларгина эмас, балки давлат арбоблари, сиёсатчилар, тадбиркору ишбилармонлар шуғулланиши жаҳон тажрибасидан маълум. Тошкент мусобақасига ажойиб кичик тўпларни етказиб берган АҚШнинг «Вильсон» компанияси савобли ишларга қўл урмоқда. Тошкентда теннис анжомлари билан савдо қилувчи «Вильсон» дўкони очишни мўлжалламоқда.

Мусобақа иштирокчилари ўзлари учун мўлжалланган жамғарма тақсимотидан манфаатдорлигина бўлиб қолмай, мамлакатимиз корхона, ташкилот ва муассасаларининг катта теннис шарафига ҳомийлик тарзида таъсис этаётган эсдалик буюмлари ва совғаларига ҳам эга бўладилар. Хусусан, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ғолиблар учун «ГАЗ-31029» енгил машинаси ажратгани маълум бўлди. Тошкентга меҳмон бўлиб келган 200 га яқин журналист орасида ёзувчилар ҳам бор. Хусусан, АҚШ ёзувчиси Майкл Мьюшел Тошкент мусобақаси ҳақида туркум очерклар ёзиш ниятида эканини баён этди.

Теннисчилар эса яккамаякка ва жуфтликлар баҳсларида маҳорат кўрсатиб навбатдаги босқичга йўлланма олиш учун интилмоқдалар. Маълумки, мусобақа олимпиада тизимида, яъни ютқазган ўйиндан чиқади кабилида ўтказилмоқда. Яккамаякка баҳсда 32 нафар теннисчи майдонга тушган бўлса, шунинг тенг ярми нимчорак финалга чиқди, холос. Қолганлари эса мусобақа низомига кўра, мукофот жамғармасидан ажратилган 1300 долларга эга бўлиб, биттагина очкога эга бўладилар. Ўйинни давом эттириш имконига эга бўлганлар эса ўз ҳисобларига 12 тадан очко ёзиб, 2150 долларни нақд қилиб қўйдилар, дейиш мумкин. Қувончли тарафи шундаки, бу курашда мамлакатимиз теннисчилари ҳам бўш келмаяптилар. Жумладан, «Буюк ипак йўли» халқаро мусобақасининг мутлақ ғолиби Олег Огородов бош соврин учун баҳсда ҳам ўзини кўрсатди. У профессионал теннисчилар орасида мақоми 173 қилиб белгиланган исроиллик Ж. Блумни 7:5, 6:1 ҳисобида енгди. Яна бир вакилимиз Дмитрий Томашевич ҳақиқий профессионал теннисчи бўлишга аҳд қилганини намойиш этди. У италиялик таниқли спортчи Л. Сангуинепидан ҳайиқмай, эркин ҳаракат қилди ва 7:6, 6:7, 6:2 ҳисобида устун келди.

Энди ҳар иккала теннисчимиз навбатдаги учрашувни янада кучлироқ рақиблари билан ўтказишларига тўғри келади. Хусусан Олег Огородов исроиллик Эвал Ран билан майдонга тушса; Дмитрий Томашевич АҚШ теннисчиси Мартин Блекмэнга рўбарў бўлади. Умуман навбатдаги босқич баҳслари қизғин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда. Мухлислар Чака Адамс (АҚШ) билан Я. Винник (Голландия), В. Векеса (Кения) билан С. Нотебум (Голландия), Ш. Ножали (Венгрия) билан М. Пастура (Аргентина), Ф. Де Вульф (Бельгия) билан М. Гезерер (Германия), П. Трамачи (Австрия) билан Л. Немечек (Чехословакия), В. Спадеа (АҚШ) билан Карим Алами (Марокаш) учрашувларига катта эътибор қилишмоқда.

Кечадан бошлаб эса айрим жуфтликлар ўртасида чорак финал учрашувлари ҳам бошланди. Бугун бундай баҳслар якунланиб, эртага ярим финал ўйинлари бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

● ДИЛ СЎЗЛАРИ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Олег ОГОРОДОВ,
мамлакатимиз етакчи теннисчиларидан бири

Ўзбекистонга катта теннисни ташриф буюриши, спортнинг севимли бу турини янада ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, юртимизда теннисга қизиқувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Лекин, халқаро миқёсда кичик тўп билан баҳслашиш учун етарли маҳорат ва тажриба керак. Теннисчиларимизнинг бу борада омадлари келди, дейиш мумкин. Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилаётган тенгқурларимдан Дмитрий Томашевич, Тимур Ғаниев, Фарҳод Ғуломов, Темур Холхўжаев кабиларни тажриба оширишлари учун қулай имкон яратилди.

Тошкентда ўтказилаётган мусобақа кезлари профессионал теннисчиларга хос мақомим юқорига кўтарилади, деб ўйламагандим. «Буюк ипак йўли» деб номланган сателлит халқаро мусобақасида ютдим. Асосий мусобақа —бош соврин учун курашда ҳам астойдил ҳаракат қилишга интиляпман. Ҳозирча иккинчи босқичга йўлланма олиб, мухлислар ишончини қозондим. Ваҳолонки жаҳоннинг кучли теннисчилари билан тенгкурашда зафар қозониш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зора, мусобақа охиригача омадим юришиб, турса, деган ниятим бор.

«МЕДИК» фирмаси АУДИТОРЛИК хизматини кўрсатади.

Сиз ушбу фирма орқали ўз корхонангиздаги молиявий муаммоларингизни ҳал қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Навоий кечаси 12-уй.
Телефон: 41-18-34.

«ДАЙМОНД — ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЭШНЛ» қўшма корхонаси

1994 йил 1 июндан ўз фаолиятини тўхтатганлигини маълум қилади. Даъволар 1994 йил 1 июлгача қабул қилинади.

ДИҚҚАТ!

10—11 май кунлари Жарқўрғон шаҳрида «ЖУРА» пул-буюм лотереясининг биринчи тиражи ўйинлари ўтказилди. Тиражнинг расмий жадвали газетамизнинг «Осиё бозори» ахборот-тижорат иловаси навбатдаги сонида эълон қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хирургия илмий маркази марказ директори, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор **Восит Воҳидович ВОҲИДОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, жамоат ташкилотлари, олий математика кафедраси жамоаси кафедра доценти Г. Х. Солиевага отаси **Абдуҳамид СОЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Зафаробод район ҳокими муовини, Халқ демократик партияси аъзоси **Жайнар ТУЙМУРОДОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан бир гуруҳ ўртоқлари марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Тошкент» студияси таҳририятининг катта муҳаррири Шавкат Азизовга волидаи муҳтарамаси **Лутфи ая ҒУЛОМ** қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршараф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Ғулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—939 85501 нусхада босилди. Топширилди—21.50.
Навбатчилар: Қ. ЭШМАТОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.